ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
УЙЧИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI UYCHI
TUMANI HOKIMINING

QARORI

«30» 09 2016 йил Уйчи шаҳарчаси 1238-сонли

Уйчи шаҳарчаси ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ-2003-сонли “Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2015 йил 28 мартдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарорига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Уйчи шаҳарчаси ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Туман йўл қурилиш пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси ҳамда туман Ободонлаштириш бошқармаси ушбу қарор билан тасдиқланган “Уйчи шаҳарчаси ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби”га мувофиқ иш ташкил этилишини таъминласин.
3. Мазкур қарор “Уйчинома” газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.
4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Турдиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.Исамиддинов**

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI UYCHI TUMAN HOKIMLIGI
RASMIY XUJJATLAR UCHUN

Аслига тўғри деб